



230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy  
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30  
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-uy  
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30  
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

«97» Декабрь 2021-у.

№ 03-04/2-5824

«   »            2021-ж.

**Барлық район (қала)лық халық  
билимлендириў бөлими баслықларына  
хәм де республикалық бойсыныўдағы  
билимлендириў мекемелери  
директорларына**

Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў министрлиги  
Сизге, Өзбекстан Республикасы Халық билимлендириў министрлигиниң  
2021-жыл 13-декабрьдеги 03-03/1-3613-санлы хатын қосымшаға муўапық  
басшылыққа алыў хәм орынлаў ушын жибермекте.

Қосымша 2 бетте.

Министр орынбасары

Ш.Таджимуратов

Орынлаўшы: Г. Бекмуратова  
Тел. 61-222-24-29





2021-у. « 13 » декабрь

№ 03-03/1-3513

«    »    2021 г.

Қорақалпоғистон Республикаси  
халқ таълими вазири, Тошкент  
шаҳар халқ таълими бош  
бошқармаси ва вилоятлар  
халқ таълими бошқарма  
бошлиқларига

Туман (шаҳар) халқ таълими  
бўлимлари мудирларига

Сирдарё вилояти ҳокимлиги  
молия бош бошқармасига

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирликлари сонини қисқартириш тўғрисида” 2021 йил 3 апрелдаги ПҚ-5053-сон қарорига мувофиқ Халқ таълими вазирлиги тизимида 348 та бошқарув ходимлари, жумладан туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг Кадрлар билан ишлаш шўъбаси мутахассиси (жами 236 та) штат бирлиги қисқартирилган.

Халқ таълими вазирининг 2021 йил 9 апрелдаги “Халқ таълими вазирлиги марказий аппарати, идоравий ва ҳудудий бўлинмалари тузилмасини мақбуллаштириш, штат бирликлари сонини қисқартириш тўғрисида”ги 113-сонли буйруғи билан туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг тузилмалари тасдиқланган бўлиб, 2021 йил 25 октябрдаги “Ҳудудий халқ таълими бошқаруви органлари тузилмаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги 346-сонли буйруғи билан янгиланган (*иловада қайта тақдим этилмоқда*).

Унга кўра туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида мавжуд методист штат бирликлари ҳисобига Кадрлар бўйича инспектор-методист лавозими жорий этилган (*мазкур буйруқда барча лавозимлар аниқ кўрсатилган*).

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2021 йил 9 апрелдаги 113-сонли буйруғи қабул қилинганга қадар Кадрлар бўйича инспектор-методист лавозими Кадрлар билан ишлаш шўъбаси мутахассиси лавозими сифатида туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг штатлар жадвалига киритиб келинган.



**Бирок,** бугунги кунда Кадрлар бўйича инспектор-методист лавозимида ишлаётган ходимларга ҳақиқатда белгиланган лавозим маошидан паст (*кадрлар бўйича мутахассис лавозимига тенг*) бўлган иш ҳақи тўланаётганлиги бўйича жойлардан кўплаб норозиликлар келиб тушмоқда.

Бу эса ҳудудларда ушбу лавозимда фаолият юритаётган ходимларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Юқорида келтирилган муаммоларни бартараф этиш ҳамда тегишли лавозимлар учун иш ҳақи тўловларини тўғри тўланишини таъминлаш мақсадида, **Сиздан қуйидагиларни қатъий назоратга олиб, амалга оширилишини таъминлашингиз сўралади:**

халқ таълими вазирининг тегишли буйруқлари асосида ҳудудий халқ таълими бошқармаларнинг ва туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг штатлар жадвалини, шу жумладан **Кадрлар бўйича инспектор-методист лавозими бўйича қайта кўриб чиқиш;**

ушбу буйруқларда кўрсатилган лавозимлар билан фарқлар аниқланган тақдирда, зудлик билан штатлар жадвалларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ҳар бир лавозим учун белгиланган иш ҳақи миқдорларини қўллаш;

туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида 2021 йил 9 апрелда жорий этилган **Кадрлар бўйича инспектор-методист** лавозимига ҳозирги кунда белгиланган 3 170 011 сўм миқдоридagi базавий тариф ставкасини қўллаган ҳолда тўлаб бориш;

амалга оширилган ишлар бўйича вазирликнинг Молия департаментига **бир ҳафта муддатда** батафсил ахборот киритиш.

**Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки,** ҳудудий халқ таълими бошқармалари ва туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг штатлар жадвалларига тегишли лавозимлар ва штат бирликлари (*бошқарув ва ишлаб чиқарувчи ходимлар*) **фақатгина халқ таълими вазирининг тегишли буйруқлари асосида киритилади.**

Илова \_\_\_ варақда.

Вазир ўринбосари

  
Т. Комилов